Shu aziz VATAN — barchamizniki!

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 30-iyul. Shanba • 90 (31.366) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади.

Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигида, фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда.



# Парламент комиссияси мажлиси

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Жамоат фонди томонидан 2011 йилда эълон қилинган грант танловларининг амалга оширилиши, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг босма оммавий ахборот воситалари материалларининг профессионал, ғоявий ва бадиий савиясини, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар сиёсатининг ошкоралигини, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалари қандай бажарилаётгани муҳокама этилди.

Мажлис қатнашчилари жорий йилда Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди умумий қиймати 2,1 миллиард сўмдан ортиқ грант танловлари доирасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қуйидаги соҳаларга оид социал ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни режалаштираётганини таъкидлади.

Биринчи. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, касаначиликни ривожлантириш учун ўқув ва маслаҳат курсларини ташкил қилиш, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган бошқа долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш.

Иккинчи. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурлари, бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва бу борадаги бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш.

Учинчи. Фуқаролик институтларининг ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол ривожланиши, мустақил фикрлайдиган, шахсий ҳаётий позицияси ва қатъий ишончга эга ёшларни тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш ва бошқа масалаларга бағишланган лойиҳаларини амалга ошириш.

Тўртинчи. Мустақил босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кучли фуқаролик жамиятини қуришда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, журналистлар маҳорати ҳамда ижодий фаоллигини кучайтириш бўйича ўқув семинарлари ва бошқа тадбирларни ташкил этишга йўналтирилган истиқболли лойиҳа ҳамда дастурларни қўллаб-қувватлаш.

Муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик институтлари ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари ўртасида ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш учун ушбу грант танловлари юксак аҳамиятга эга экани қайд этилди.

*(Давоми 2-бетда.)*

## ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



# Муаммоларга ечим топиш, камчиликларни тузатиш

*ҳар бир партия аъзоси, етакчиси, депутатдан фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади*

**Хоразм вилоят партия кенгашида** «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасидаги вазифалар, унинг ижроси таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари муайян ишларни амалга оширганини қайд этган ҳолда асосий эътиборни камчиликларга қаратди.

Айтиш керакки, айрим тармоқларда юзага келаётган муаммоларни атрофлича ўрганиш ва ечим топишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари сусткашлик қилаяпти. Электорат манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етарлича ташаббус кўрсатмаяпти. Маҳаллий ривожланиш дастурларида режалаштирилган ишларнинг бажарилиш ҳолати бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш керак.

Йиғилиш сўнггида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини кучайтириш бўйича навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Рўзимбой ҲАСАН**

## Эътироф

**Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо Хива шаҳрини кўриб, очиғи, ҳайратдан лол қолдим. Буни қаранг, бир шаҳарда икки қалъа — Ичан қалъа, Дишан қалъа! Улардаги асрий обидалар салобати, кўрки, чиройи хотирамизда бир умр муҳрланиб қолишига ишонаман.**

**Кўҳна шаҳарнинг ҳар қадамида тарих ва ана шу тарихни яратган буюк инсонларнинг улуғ, бетакрор ишлари самараси мужассам. Ўзбек халқининг миллий қадриятлари акс этган совға-саломларимни ўз яқинларимга топширар эканман, олам-олам таассуротларимни уларга гапириб бераман, албатта».**

**Георг БИТЦМАН,**
***(Германия).***

## Хушхабар!

# Олтин ва бронза!

Бухарест шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Якунига етган юнон-рум кураши беллашувларида ўсмирларимиз иккита медални қўлга киритишди.

60 кг вазн тоифасида гиламга чиққан иқтидорли курашчимиз Бобур Зайлобиддинов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионатининг олтин медали билан тақдирланди. 55 кг вазн тоифасида қатнашаётган Элмурод Тошмуродов эса ҳозирча бронза медали билан кифояланди.

Энди эркин ва аёллар кураши усталари жаҳон чемпионати ғолиблиги учун гиламга чиқишади.

**Қамариддин ҲАЙИТОВ**

## КОНЦЕПЦИЯ:

# Аҳолининг ҳуқуқий маданияти

*жамият тараққиётига хизмат қилади*

⇨ 2

## Муносабат

# Мантиқ ва ақл-идрок тақозоси

Бугун инсоният олдида табиатни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, уни одамлар турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган турли таҳдидлардан ҳимоя қилишдек муҳим ҳаётий вазифалар турибди. Бу борада собиқ иттифоқ даврида охирини ўйламай қилинган ишларнинг аянчли оқибатларидан бири — Орол фожиаси барчага сабоқ бўлиши лозим.

⇨ 3

# Улуғ мақсадларнинг ҳаётий ифодаси

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун, деган эзгу тамойилнинг ҳаётдаги ифодаси ҳақида*

Яқинда газеталар тахламларини варақлаётиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси парламенти сессиясида сўзлаган нутқидаги қуйидаги сатрларни ўқидим:

«...Одамлар уй-жой олишсин, ноз-неъматлар етиштирсин, даромад қилсинлар, бой бўлсинлар, ўшанда давлат бой бўлади, ўшанда давлат ҳақиқий давлатга ўхшайди...».

Ўша пайтда айримлар бу гаплар ижобатини тасаввур қилолмаган, ишончсизлик билан қараган бўлиши мумкин. Аммо бу фикрлар нақадар асосли ва тўғри эканини тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда амалга оширилган улкан янгиланиш ва ўзгаришлар мисолида, шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир инсон ҳаёти, турмуши, онгу тафаккуридаги ўзгаришларда кўряпмиз. Ҳар куни ҳаётимизда учраётган ўнлаб мисолларнинг ўзи буни яққол тасдиқлайди.

⇨ 3

## Бухоро вилоят партия кенгаши диққатига!

# Жондордаги ишлар қачон жонланади?

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида ишлаб чиқилган, 2011-2014 йилларга мўлжалланган партиямиз Ҳаракат дастурида ижтимоий соҳани ривожлантириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу — партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ.

→ 2

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# КОНЦЕПЦИЯ:

# Аҳолининг ҳуқуқий маданияти

## *жамият тараққиётига хизмат қилади*

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари амалга ошиши ижтимоий-иқтисодий жараёнларда жамоатчиликнинг фаол иштироки учун ҳуқуқий шарт-шароит яратади. Шунинг учун фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муҳим вазифамиздир.



**Зиёвиддин МАНСУРОВ,**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

— Концепцияда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, бу борада махсус дастур ишлаб чиқиш таклиф қилинган.

Демократик андозаларга мувофиқ қонунлар қабул қилиш билан кифояланиш жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, унинг манфаатлари ишончли тарзда ҳимоя қилинади, дегани эмас. Қонунларда белгиланган меъёр ва қоидаларга тўкис амал қилингандагина улар жамиятга манфаат келтиради. Ҳар бир қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий механизм тўлиқ ишласа, демократик қадриятлар ҳар бир фуқаро онги ва ҳаёт тарзига чуқур кириб боради. Буни кўпчилигимиз ўзимизга яхши тасаввур этамиз, албатта.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, белгиланаётган чора-тадбирларнинг ҳар бири аниқ мақсадга қаратилиши керак.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқий маданиятни ошириш узлуксиз, давомли жараён. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан то ҳозиргача бу борада босқичма-босқич катта ишлар қилинди. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш бўйича етарли асос яратилди. Эндиликда давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш жараёнида аҳоли иштирокини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш учун ҳуқуқий замин яратиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳуқуқий билимни мустаҳкамлаш, аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари масъулиятини кучайтиришга доир чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Тўғри, ҳозир бу борада тегишли чоралар белгиланган. Аммо демократик янгиланиш жараёнида ҳуқуқий маслаҳат-кўмак бериш тизимини янада кенгайтириш даркор.

Шу билан бирга, ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хусусан, маҳаллий ҳокимликлар билан нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кучайтириш ғоят муҳим. Бу, олис туман ва қишлоқларда ҳуқуқий билим ва кўникма мустаҳкамланишига имкон беради.



**Сайдивали АҲМЕДОВ,**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

— «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунга кўра, фуқаролар, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида иштирок этиши мумкин. Бу — қонун ижодкорлиги жараёнида кенг жамоатчилик фикрини ўрганишга имкон беради. Бунинг самараси ўлароқ, қабул қилинаётган қонунлар ҳар жиҳатдан ҳаётий ва бекаму кўст бўлади.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратиш керак. Қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётганда, мана шу жараён ҳақида телевидение ва матбуот саҳифаларида мутахассисларнинг таҳлилий чиқишларини кўпайтириш лозим.

Оммавий ахборот воситалари орқали қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича давлат ва маҳаллий дастурлар, маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари мазмун-моҳиятини жамоатчиликка халқчил тил ва услубда етказиб берилишига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бу жараёнда малакали мутахассислар ва маҳаллий ҳокимият органлари мутасаддилари фаол иштирок этиши давлат бошқарувининг халққа яқинлашишига хизмат қилади. Шу боис бу борада мунтазамликка эришиш лозим. Шунда, кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларнинг дунёқараши кенгаяди. Ўзи яшаётган кўча, маҳалла, туман ҳақида, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари тўғрисида етарли тушунчага эга бўлган киши шу ердаги камчиликлар бартараф этилишидан ўзи, оила аъзолари манфаатдор эканини англаб олади. Шу йўлда янги ташаббуслар билан чиқади, муаммоларни ҳал қилиш истагида чуқур билим олишга, одамларга фойда келтирадиган иш қилишга интилади. Бундай фуқаро қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича маҳаллий дастурлар ижросига бефарқ қарамайди.

Шунингдек, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарли жамоатчилик назорати ташкил қилишда фаол иштирок этади. Энг муҳими, бошқаларни ҳам шунга даъват этади. Шу тариқа жамиятда дахлдорлик ҳисси кучаяди, ислоҳотлар тақдирига ўз келажагини белгиловчи омил сифатида қараш ортади. Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция ғояларидан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида.

Ҳуқуқий маданиятни кўтариш йўлида аниқ ва таъсирчан чора-тадбирлар белгилаш — давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифа. Уларнинг бажарилишида ҳар биримизнинг ўз ўрнимиз ва иштирокимиз бўлиши лозим.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТЎРАХОНОВ ёзиб олди.**

# Парламент комиссияси мажлиси

Парламент комиссияси аъзолари Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, нодавлат босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида улар томонидан рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар тўғрисидаги ҳисоботини маълумот учун қабул қилди.

Мажлис қатнашчилари босма оммавий ахборот воситалари материалларининг профессионал, ғоявий ва бадиий даражасини, журналистлар маҳорати ва касбий салоҳиятини ошириш, уларнинг ишида ахборот узатишнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, уларда кучли фуқаролик позициясини шакллантириш учун Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Жумладан, 500 нафардан ортиқ журналист семинарлар, маҳорат сабоқлари ва давра суҳбатлари доирасида ўқитилди. Ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларининг 150 нафардан зиёд ижодий ҳамда техник ходими мамлакатимизнинг етакчи нашрларида тажриба орттирди. 120 нафардан ошиқ журналист жамият ва давлат ҳаётининг турли жабҳаларини ёритиш бўйича ихтисослаштирилди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмагида оммавий ахборот воситалари бозорини сифатли фотоматериаллар билан бойитиш бўйича яратилаётган мамлакатимиз фотобанки муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Айни пайтда фотобанкда қарийб 15 мингта фотоматериал тўпланган бўлиб, 2015 йилда уларнинг сонини 100 мингтагача етказиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, мажлис иштирокчиларининг фикрича, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ўткир мавзуларни четлаб ўтиш («ўзини ўзи назорат қилиш»), мансабдорларга итоатгўйлик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликлар ҳамон учраб турибди. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 27 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригида ҳам қайд этиб ўтилди.

Шу муносабат билан Парламент комиссияси аъзолари глобаллашув, ахборот жамиятини шакллантириш шароитида журналистлар, айниқса, ёш журналистларни қайта тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартиришга доир изчил ишларни янада кучайтириш, уларни ўқитиш жараёнига катта тажриба ҳамда маҳоратга эга профессионал ходимларни жалб этиш, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Жаҳон ахборот соҳаси ютуқларини чуқур ўрганиш, янги асосда тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйиш вазифаларининг долзарблиги ҳам қайд этиб ўтилди. Журналистларнинг замонавий медиа-технологиялар, хорижий тиллар, интернетни билиши, таҳририятлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш уларни қайта тайёрлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистларнинг истеъдод ва маҳорати, ижтимоий позицияси, инсоний фазилатлари ҳамда профессионал қобилиятини ошириш, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини ислоҳ этишнинг алоҳида ўзига хос йўналишлари бўйича чуқур ахборот-таҳлилий материалларни чоп этиши учун уларни янада ихтисослаштириш бўйича тизимли ишларни давом эттириши тавсия этилди.

Шунингдек, кун тартибида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» VI миллий мукофоти халқаро танлови якунлари ҳам кўриб чиқилди.

Танловда 7742 ижодий иш билан 562 нафар журналист қатнашгани таъкидланди. Танлов миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг юксак фуқаролик позициясини намоён этиши, танқидий фикрлаш, шунингдек, журналистлар ижодий фаолиятида янги ёндашувларни шакллантириш, уларнинг касб маҳоратини оширишга ёрдам берди.

Бундан ташқари, танловнинг ўтказилиши босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилаётган материаллар, эфирга узатилаётган телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар сифатини яхшилаш, ижодий материалларни тайёрлашда фикрлар хилма-хиллигини, турли қараш ҳамда ёндашувларни таъминлашга ҳам кўмаклашди.

Парламент комиссияси мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Бухоро вилоят партия кенгаши диққатига!**

# Жондордаги ишлар қачон жонланади?

Ҳаракат дастурига кўра, Бухоро вилоятининг Жондор, Бухоро ва Пешку туманларида саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хўш, бу борада Жондор туман партия ташкилоти, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи қандай иш олиб бормоқда?..

Туманда 2899 та партия аъзоси бўлиб, улар 60 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан 5 нафар, вилоят Кенгашига 2 нафар депутат сайланган.

Маълумки, қонунлар, давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурлари ижросини назорат қилишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига катта масъулият юкланади. Улар жойларда қонунлар қай даражада ижро этилаётгани, давлат дастурлари доирасида қандай ишлар қилинаётганидан хабардор бўлиши ва бу жараёнларни назорат этиб бориши зарур.

Дастлаб туман Кенгаши сессиялари, доимий комиссия йиғилишларида партиямиздан сайланган депутатлар иштирокига эътибор қаратсак. Шу йилнинг олти ойи давомида туман Кенгашининг сессияси беш марта, доимий комиссиялар йиғилиши эса ҳар ойда бир марта ўтказилган. Аммо ЎзХДП депутатлик гуруҳи муҳокама этилган масалалар бўйича деярли ташаббус кўрсатмаган.

Шу ўринда табиий савол туғилади: нима, туманда партия электоратини ўйлантираётган бирон-бир масала, ҳал этилиши керак бўлган муаммо йўқми? 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастуридаги вазифалар тўла-тўкис бажариб бўлинганми?..

Маълум бўлишича, 2009-2010 ўқув йилида тумандаги касб-ҳунар коллежларини 855 нафар йигит-қиз битирган. Уларнинг 704 нафари ишга жойлашиш учун шартнома имзолаган. 16 нафари олий ўқув юртида ўқишни давом эттираяпти. Хўш, қолган 135 нафарининг қайси юмуш билан банд эканлигини ким билади? Бу савол туман Кенгаши депутатларини ўйлантирмайдими?

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида туманда бир нечта корхона ва микрофирмани ишга тушириш, модернизация ва реконструкция қилиш, шу орқали ишлаб чиқариш қувватини ошириш, айни пайтда, янги иш ўринлари яратишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига кўра бажариладиган ишлар белгиланган.

Жорий йилнинг 6 ойида туманда «Келажагимиз фаровонлиги» хусусий корхонаси негизида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Жондор кўрки» МЧЖ негизида қурилиш материаллари тайёрлаш, «Шахобиддин Шахбоз Муҳсин боғи» фермер хўжалиги негизида мевани қуритиш ва қадоқлаш, «Жондор чашмаси» МЧЖ негизида эса сутни қайта ишлайдиган корхона фаолиятини ташкил этиш белгиланган.

Лекин мавжуд ҳолатни ўрганиш чоғида «Шахобиддин Шахбоз Муҳсин боғи» фермер хўжалиги негизида фаолият юритиши кўзда тутилган мевани қуритиш ва қадоқлаш корхонасида ҳали таъмирлаш ишлари давом этаётгани маълум бўлди. Ваҳоланки, режага кўра, бу иншоот ҳозиргача иш бошлаган бўлиши ва янги иш ўринлари очилиши, одамлар ишлаши керак эди.

Бундан ташқари, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 690 тонна деб белгиланган «Келажагимиз фаровонлиги» хусусий корхонасида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жуда суст экан. Корхона раҳбари Аббос Аслоновнинг таъкидлашича, цех фаолият юритаяпти, унда 6 нафар киши иш билан банд.

— Ўтган йил фаолиятимизни бошлаган эдик, — дейди у. — Қолипли нон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Бизга ҳар ойда етказиб берилаётган ун меъёридан кам бўлгани учун бир ойда 14-15 кун ишлаймиз, холос. Хомашё йўқлиги сабабли бошқа кунлар иш тўхтаб қолади.

Туманда электоратимиз манфаати билан боғлиқ талай муаммо ва камчиликлар борлигига қарамай, партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи ҳеч қандай амалий таклиф ишлаб чиқмади. Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Партия Ҳаракат дастури замирида энг аввало электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг муаммоларини бартараф этишдек катта мақсадлар мужассамлашган. Буни англаб етмаслик ёки бефарқ кузатиб туриш ҳеч кимга обрў олиб келмайди.

Жондор туман партия ташкилоти, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ўзибўларчилик кайфиятидан қанча тез қутилса, шунча яхши, аксинча жамоатчилик орасида обрўсини йўқотиб қўйиши аниқ.

**Лазиза ШЕРОВА**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Сўз — маҳаллий Кенгашлар депутатларига**

**Ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларда фаол иштирок этиш учун биз депутатлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни чуқур билишимиз, муаммолар ечими бўйича аниқ таклифларга эга бўлишимиз зарур.**

**Эгамберган КАРИМОВ,**

**Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП МК аъзоси, Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси раиси.**



# Ҳудудлардаги ислоҳотлар тақдири

## *депутатлар фаоллигига боғлиқ*

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси томонидан Ҳазорасп туманида «Таълим тўғрисида»ги, Гурлан туманида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, Урганч шаҳри ва Хива туманида «Музейлар тўғрисида»ги Қонун ижроси ўрганилди. Таҳлил натижалари умумлаштирилиб, юзага келган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси яхши йўлга қўйилмагани аниқланди. Бу эса аҳолига тез ва малакали тиббий хизмат кўрсатишга салбий таъсир этаяпти. Шу боис, доимий комиссия йиғилишида қонун талабларига совуққонлик билан муносабатда бўлаётган тиббиёт муассасаларининг хизмат кўрсатиш масъулиятини ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қонунлар ижросини доимий комиссияда муҳокама этиш, тегишли ташкилотларга тавсиялар бериш билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Энди ушбу тизимларда юзага келаётган камчиликларни қандай бартараф этилаётгани юзасидан мониторинг олиб боришни режалаштираяпмиз.

Тан олиш керак, айрим доимий комиссиялар, ҳатто депутатлик гуруҳларида фаоллик етишмаяпти. Доимий комиссия иши кучайиши, самарали бўлиши учун ҳар бир депутат ҳисса қўшиши зарур. Ўшанда муҳокама этилаётган масалалар атрофлича таҳлил қилинади, камчиликлар сабаблари таҳлил қилинади. Шунинг учун доимий комиссия йиғилишларида ҳар бир депутатнинг иш фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиб бораяпмиз. Ўз ишимизга танқидий ёндашаяпмиз.

Ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан яхши хабардор бўлиши, аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалаларни чуқур ўрганиши, айни пайтда, ҳал қилишда амалий ёрдам бериши зарур. Доимий комиссия йиғилишларида бунга алоҳида эътибор қаратилаяпти, ҳар бир депутат учун бу борада алоҳида тавсия ва кўрсатма ишлаб чиқилаяпти.

Бу вазифаларнинг бажарилиши ўз ўрнида ижро этувчи ҳокимият устидан депутатлик назорати олиб бориш амалиётининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

**ЎзХДП: устувор вазифалар**

# Фаолликни кучайтириш зарур

**Жиззах вилоят партия кенгашида** оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ислоҳотлар, ахборот ва сўз эркинлиги масаласига бағишланган семинар ташкил қилинди.

Унда асосий эътибор демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда партия маҳаллий ташкилотлари, депутатлар ва фаолларнинг иштирокини кучайтиришга қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова ахборот соҳасидаги ислоҳотлар ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳамиятини атрофлича таҳлил қилди. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу йўналишда белгиланган вазифаларга эътибор қаратди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги муносабат, унинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, ОАВ фаолиятининг иқтисодий асос ва механизмларини такомиллаштириш, ахборот манбалари ёпиқлиги, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий бошқарув тузилмаларининг бюрократик тўсиқларини бартараф қилиш учун ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш борасида Қонунчилик палатасида қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

— Электорат манфаати билан боғлиқ масалаларни тегишли Кенгашлардаги депутатлар маҳаллий ОАВ орқали атрофлича таҳлил қилиб чиқиши, мавжуд муаммоларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиши лозим, — деди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Акром Иномов**. — Шунда ҳар бир киши ўзи истиқомат қилаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан атрофлича хабардор бўлади. Юзага келаётган камчиликларни ҳал этиш бўйича фикр беради, ташаббус кўрсатади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

# Улуғ мақсадларнинг ҳаётий ифодаси

**Унутилган иборалар**

Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, 90-йилларнинг бошида қизиқ бир ҳангома пайдо бўлганди: харидор дўконга кириб сотувчидан у борми, бу борми, деб сўрайди, аммо ҳаммасига «йўқ», деган жавобни олади. Харидор шунда, унда ўзингиз нега ўтирибсиз, дейди. Сотувчи, магазинни қулфлаш учун қулф йўқ-да, дейди. Бу латифанамо гап аслида аянчли бир ҳолатга ишорадир. Бугунги авлод вакиллари учун бу латифа бўлса-да, бир пайтлар нонга, қанду шакарга, ҳатто совуну гугуртга навбатда турган кишилар буннинг айни ҳақиқат бўлганини яхши билади.

...Яқинда кўп қаватли уйимизга бақамти мўъжазгина дўкон қурилди. Ёш бола учун қизиқда, икки фарзандим ҳар куни ишдан қайтганимда янги дўконга чиқишга шайланиб туради. Тепасига «Minimarket» деб ёзилган бўлса-да, дўкон бир дунё нарсани сиғдирган. Фарзандларим бир-биридан чиройли қоғозларга ўралган ва қадоқланган ширинликлардан қайсисини танлашни билмай шошиб қолади.

Сотувчи йигит — Азизнинг айтишича, ҳозир дўконда 86 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти харидорларга тақдим этилаётган экан. Уларнинг орасида ўзимизда ишлаб чиқарилгани қанча, деб сўрасам, у кулимсираб, ҳаммаси ўзимизда чиққан, сифати кафолатланган, деди.

Бир қарашда ишониш қийин. Бир дона шоколадни олдим: мазаси зўр! Қоғозини ўқийман: «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. «Шарф-ширин» савдо белгиси». Сотувчи шу савдо белгиси билан чиқаётган яна саккиз хил шоколад ва қандолат маҳсулотларини кўрсатди.

Бу кичкина бир «Minimarket»даги ҳолат. Агар буни «Supermarket» ёки «Gipermarket» каби замонавий дўконлар билан солиштирса, у ердаги маҳсулотлар тури ва сони, харид қилиш имкониятини тасаввур қилиш қийин эмас. Энг муҳими, уларда сотилаётган маҳсулотлар асосан ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

— 25 йилдан буён сотувчи бўлиб ишлайман, — дейди пойтахтлик Собир Турғунов. — Илгари фақат уч хил конфет бўларди. У ҳам неча вақт омборларда сақланиб, истеъмолга деярли яроқсиз ҳолда сотувга чиқариларди. Собиқ иттифоқнинг сўнгги йилларида дўконлардан оддий кундалик маҳсулотлар — совун, туз, ҳатто гугурт ҳам узилиб қолди. Одамларнинг кун бўйи навбатда туриши, маҳсулотлар жон бошига чегараланган миқдорда сотилиши — булар ҳозир кўпчилик учун эртакдек. Ўша пайтларда урф бўлган «Ким охири?» деган ибора бугун унутилди. Чунки ҳар қандай маҳсулотнинг ўнлаб тури мавжуд, харидорда ўзи учун энг мақбулини танлаш имконияти кенг.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган қуйидаги рақамлар ҳам буни тасдиқлайди: кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди. Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 бараварни ташкил қилди.

Буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолатдир.

**Бозордаги барака**

Халқимизда бирор юртнинг фаровонлиги қандайлигини билмоқчи бўлсанг бозорига кир, деган пурмаъно гап бор. Зеро, бозор фаровонлик белгиси, юртдаги хайр-бараканинг ёркин ифодасидир. Шу маънода бугун юртимиз бозорларидаги тўкинлик халқимиз дастурхонидаги баракадан дарак бериб турибди.

Шу кунларда бозорга тушган киши бунга яна бир карра амин бўлади. Тупроғи олтинга тенг заминимиз саховати бозорларимизда намоён. Ширин-шакар мевалар, полиз маҳсулотларидан тортиб картошкаю пиёзгача мўл-кўл ва арзон.

— Шахсий томорқамга саккиз йил олдин 35 туп олхўри кўчатини эккандим, — дейди «Қўйлиқ» деҳқон бозорида савдо қилаётган паркентлик Шодиқул Раҳматов. — Икки йилдан буён ҳосилни бозорга олиб чиқяпман. Ўтган йили тўрт миллион сўмликка яқин олхўри сотдим. Бу йил ҳосилнинг чўғи янада баланд.

Ҳа, яхши ният қилиб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман, деган инсонга барака доим ҳамроҳ. Қолаверса, бугун шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Президентимизнинг боғдорчиликни, мева-сабзавот ва узумчиликни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорларига биноан деҳқон ва боғбонларимиз учун барча шарт-шароит яратилиб, қатор имтиёзлар берилди.

Маълумотларга кўра, юртимизда ҳар йили 2 миллион тоннага яқин мева етиштирилади. Ҳозир унинг 1 миллион 400 тоннадан ортиғи қайта ишланмоқда. Айни пайтда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан чиқаётган ўнлаб турдаги сифатли табиий шарбатлар юртимиз боғларидаги мўл-кўлчиликнинг самарасидир. Уларга хорижда ҳам талаб катта. Чунки юртимиз мевалари бетакрор таъми ва шифобахшлиги билан бутун дунёни ҳайратга солади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг баҳорида янги боғлар ва токзорларни яратиш ва мавжудларини тиклаш дастури доирасида 14,4 минг гектар майдонда мевали дарахт кўчатлари ва 5,3 минг гектар майдонда токлар экилди, 11,1 минг гектар боғ ва 5,3 минг гектар токзорлар тикланди. Бу мева ва узум етиштириш ҳажмини яқин йиллар ичида сезиларли даражада ошириш имконини беради.

**Ҳавас**

Мамлакатимизда истиқлол йилларида болаларнинг саломатлиги, жисмонан ривожланишига қаратилаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Биргина маълумот: сўнгги беш йилда спорт билан шуғулланадиган 10-14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметр ўсган, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограмм ошган. Юртимизда бугун 2 миллион нафардан зиёд бола спорт билан мунтазам шуғулланишини инобатга олсак, бу кўрсаткич қанчалик юқори экани янада аён бўлади.

...Ота-онамни кўриб келиш учун оилам билан қишлоққа кетаётгандим. Ҳали ёшига тўлмаган ўғлим шўх қилиқлари билан машинада ўтирганларнинг диққатини тортди. «Нексия» ҳайдовчиси Ғулом ака ҳам кулиб, кўз тегмасин, ҳозирги болаларнинг ривожланиши яхши, боиси бугун дўкон тўла озиқ-овқат, исталган егуликни топиш мумкин, деб қолди. Шунда ўтган асрнинг 80-йилларида ўзининг бошидан ўтган воқеани гапириб берди.

— Аёлим бетоб бўлиб қолгач, уч ойлик фарзандимизни кўкрак сутидан айиришига тўғри келди, — дейди Ғулом ака. — У пайтларда чақалоқлар учун фақат «Малыш» дегани бўларди, лекин уни ҳам топиш амри маҳол эди. Магазинлардан «Малыш» излашга тушдим. Уч-тўрт кун излаб тополмадим, бу ёқда фарзандим очликдан қайналарди. Охири нечта идоранинг эшигини қоқиб, узоқ бир таниш орқали қўшни туман «райпо»сининг омборхонасидан икки донагина топдим...

Ҳозирги болаларга ҳавасим келади. Улар витаминга бой маҳсулотлардан истеъмол қилгани учун зийрак ва тетик.

Қишлоққа бормаганимга қарийб бир йилча бўлганди. Эътибор берсам, ўзгариш катта. Кўчамизда саккиз оила эски уйини бузиб, пишиқ ғиштдан иморат қурибди, ўн чоғли одам янги машина олибди. Ҳисоблаб кўрсам, ҳозир машинасиз ҳовли деярли йўқ экан. Замонавий дўконлар бир нечтага кўпайибди.

Ғулом аканинг гапи эсимга тушиб, қишлоқ дўконидан гўдакларнинг озуқасини сўрадим. Ўзимизда ишлаб чиқарилганими, хорижникими, қайсидан оласиз, дейди сотувчи Умаржон. Мана бу 4 хили ўзимизда чиққан, сифати зўр. Кўпчилик шундан оляпти. Булар эса хорижники, дея яна 3-4 хил кашани кўрсатди. Бу ёқда туманимиз фермерлари томонидан ишлаб чиқарилган йогурт, пишлоқ, музқаймоқнинг ўзидан бир неча тури бор экан. Бежирим қадоқланган бу ширинликларни кўриб, тўғриси, менинг ҳам бугунги болаларга ҳавасим келди...

2011 йил 25 февраль куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 2010 йилда 62,6 фоизга етгани алоҳида таъкидланди. Бунинг замирида истиқлол йилларида аҳолининг яшаши, турмуш тарзи, болаларнинг овқатланиш рационидаги улкан ўзгаришлар мужассамдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2010 йил 20 сентябрь куни БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йўли ҳақида тўхталар экан, ана шу улкан натижаларни фахр билан тилга олди: ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди... Қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди...

Ҳа, ҳар бир ишда эзгу ва улуғ мақсадларни кўзлаш халқимизга хос фазилатлардан. Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида бундан йигирма йил илгари олдимизга қўйган улкан мақсадлар ижобати ва натижаси бугун халқимизнинг, ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Мамлакатимиз сув хўжалигида малакали мутахассислар янада кўпаяди

**Тошкентда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида «Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ушбу битимни имзолашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур вазирликнинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда швейцариялик мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда «Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳаси мамлакатимизда таълим сифатини янада ошириш, замонавий билимни ҳар томонлама пухта эгаллаган, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган янги авлод кадрларини тарбиялаш бўйича Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларга тўла мос келиши таъкидланди. Лойиҳадан кўзланган мақсад касб-ҳунар коллежлари ва сув ресурсларини бошқарувчи корхоналар ўртасида ушбу муҳим соҳа учун жаҳон стандартлари даражасидаги профессионал кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш борасидаги ҳамкорликнинг янги моделини яратишдир. Лойиҳани татбиқ этиш жараёнида, шунингдек, сув таъминоти объектларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик ва хусусий корхоналар ҳам бевосита иштирок этади. Бу эса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга хизмат қилади.

Лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги 9 коллежни қамраб олади. Бу таълим даргоҳлари сув хўжалиги иншоотларини, сув таъминоти ва канализация тизимларини бошқариш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш бўйича минтақавий марказларга айланади. Бундан ташқари, мазкур коллежларда ушбу йўналишда меҳнат қилаётган мутахассислар малака оширади, соҳада ишлаш истагида бўлган фуқаролар ўқитилади.

«Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳаси Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида 2002 йилда имзоланган Техник ва молиявий ҳамкорлик ҳамда инсонпарварлик ёрдами тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилмоқда. Швейцария ҳукумати томонидан ушбу лойиҳа учун 3,4 миллион АҚШ доллари ажратилган.

— Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими юксак даражада ривожланган, — дейди лойиҳанинг халқаро раҳбари Ханс Дитер Хопфнер. — Мамлакатингизнинг барча ҳудудларида барпо этилган юзлаб замонавий коллежларда ўқувчилар умумтаълим фанлари ва ўзлари танлаган мутахассислик бўйича пухта билим олмоқда. Коллежлар Ўзбекистонда яратилган ноёб узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғинидир. Жаҳонда Ўзбекистон каби таълим соҳасини ривожлантиришга давлат бюджетидан бунчалик катта маблағ йўналтираётган бошқа мамлакатни топиш қийин. Бу мамлакат келажаги ва унинг янада равнақ топиши йўлидаги ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Ж.Исмоилов ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Анн Боти имзоладилар.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Инсон ҳуқуқи — олий қадрият**

# Мурожаатлар доимо эътиборда

**Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳияти инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга, унинг шаъни ва қадр-қимматини эъзозлашга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, суд-ҳуқуқ органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш тамойилига таянган ҳолда, салмоқли ишларни амалга оширмоқда.**

Хусусан, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий идоралари фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан тизимли ишларни олиб бормоқда. Айрим корхона ва ташкилотлар томонидан фуқароларнинг манфаатларини қўпол равишда бузгани, яъни ноқонунуй ишдан бўшатиш, нафақа ва ойлик маошларини ўз вақтида тўламаслик, ходимларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш каби салбий ҳолатлар аниқланиб, уларнинг олди олинмоқда. Натижада ҳар бир мурожаат юзасидан батафсил ўрганишлар ўтказилиши ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари холисона ҳимоя қилинишига эришилмоқда.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасига келаётган аризалар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилиб, ҳал қилинади. Масалан, жорий йилнинг ўтган олти ойида бошқармага фуқаролардан келиб тушган турли мазмундаги шикоят ва аризаларнинг 120 тасида келтирилган далиллар асосли экани аниқланиб, масала қонуний ҳал қилинди. Бошқарманинг «Ишонч телефон»лари орқали тушган мурожаатларни текшириш жараёнида 56 та арзнинг аксариятида баён этилган ҳолатлар асосли экани аниқланди.

Масалан, фуқаро А.Мажидов «2-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти томонидан ўтган 2010 йилнинг 2 ойи учун тўланиши лозим бўлган ойлик маоши берилмаганидан норози эканини баён этади. Бу мурожаатни ўрганиш жараёнида унинг ҳақ экани аён бўлди. У ўтган йил август-сентябрь ойларида «2-автобус саройи» ОАЖда ҳайдовчи бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда меҳнат шартномаси бекор қилинган. А.Мажидов ишлаган даври учун тўланиши лозим бўлган маошни беришларини сўраб қайта-қайта мурожаат қилишига қарамай, унинг илтимоси инобатга олинмаган, яъни иш ҳақи тўланмаган.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар адлия бошқармасига шикоят келиб тушгач, бошқарма томонидан «2-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамиятига тақдимнома киритилди ва А.Мажидовга иш ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, меҳнат қонунчилигини бузгани учун жамиятнинг масъул ходимига интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари, Шайхонтоҳур туманида яшовчи фуқаро Г.Эргашева Чилонзор туманидаги 181-ўрта мактаб раҳбарининг ҳатти-ҳаракатидан норози эканини билдириб, мурожаат қилган.

Мактаб маъмурияти Г.Эргашева билан она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси вазифасида 2009-2010 ўқув йилида ищлаши учун меҳнат шартномаси тузган. Бироқ мактаб директори ўқитувчига мажбурий тарзда ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздириб олиб, меҳнат таътилида бўлган даврида буйруқ чиқариб, меҳнат шартномасини бекор қилган. Ваҳоланки, Г.Эргашева бу пайтда меҳнат таътилида бўлган ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиш ҳақида меҳнатга лаёқатсизлик варақасини мактаб раҳбариятига тақдим этган. Лекин директор уни ишдан бўшатганини важ қилиб, меҳнатга лаёқатсизлик варақасини қабул қилмаган.

Хуллас, Г.Эргашева ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилган. Мазкур ариза бўйича олиб борилган ўрганишлар жараёнида аён бўлдики, фуқаро Г.Эргашевани ишдан бўшатишда мактаб раҳбари томонидан жиддий қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилган. Яъни, Г.Эргашева 1 июндан меҳнат таътилига чиққан бўлсада, 29 июнда меҳнат таътилида бўлган вақтида у билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Пировардида, мурожаат эгасининг эътирози асосли экани ўз тасдиғини топди ва унинг даъвоси қаноатлантирилди. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига киритилган тақдимномага асосан 181-мактаб директорига «хайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шуни айтиш керакки, бошқармамиз томонидан жойларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижросини ўрганиш бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан судларга даъво аризалари киритиш амалиётидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Ўтган олти ой якунлари бўйича судларга 282 364 минг сўмлик 325 та даъво ариза киритилди, уларнинг 297 таси қаноатлантирилди. Фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқариш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 9 та қарори бекор қилинди, 4 нафар масъул шахс маъмурий, 26 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш йўлида қилинаётган ишлар, ўз самарасини бермоқда. Лоқайдлик, масъулиятсизлик боис юзага келган ҳар қандай салбий ҳолат ходимларимиз томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли барҳам топаяпти.

**Хайриддин ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи.**

**2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

# Корхона маҳсулотларига талаб катта

**Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар Наманган вилояти корхоналари фаолиятида ҳам ўз самарасини бераётир.**

**Норин тумани Чангитма қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Navruz International Corp.» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида «Aqua», «Montello» каби ўн олти турдаги чанқов босди ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Йигирмага яқин киши иш билан таъминланган корхонада жорий йилнинг биринчи ярмида 18 миллион донадан зиёд 1 литрли, 7 минг донага яқин 5 литрли идишда ана шундай ичимлик тайёрланиб, харидорларга етказилди. Айни ёз кунларида корхона маҳсулотларига талаб янада ортмоқда.**

**Муносабат**

# Мантиқ ва ақл-идрок тақозоси

Аммо оддий мантиқ тақозо этадиган ва соғлом ақл-идрок билан англаб етиш мумкин бўлган ушбу ҳаётий ҳақиқатни негадир Роғунда йирик ГЭС қуриш ҳаракатида елиб-югураётганлар тушуниб етмаётир ёки тушунишни истамаётир. Ахир, инсоннинг табиат олдида иложсиз қолиши мумкинлигини бугун дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган табиий офатлар, техноген ҳалокатлар, зилзила-ю сув тошқинлари, сел ва кўчкилар ҳамда улар келтириб чиқараётган мудҳиш оқибатлар тасдиқлаб турибдику! Эски тузум мафкураси, яъни инсоннинг «табиатни жиловлаш»га уриниши маҳсули сифатида ишлаб чиқилган ва бугунги давр талабларига мутлақо мос келмайдиган лойиҳа асосида баҳайбат гидроэлектростанция қурилишини давом эттиришга уриниш бутун бир минтақа халқлари тақдирига беписандлик билан қараш эмасми?

Буни яқинда матбуотда эълон қилинган «Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида» сарлавҳали мақолани ўқиган ҳар бир соғлом фикрли одам яна бир бор теранроқ англайди.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш ташаббускорлари нима учун 9 ва ундан юқори балли зилзилалар мунтазам содир бўлиб турадиган Илякс-Вахш ёриғи зонасида мазкур ГЭСни қуриш миллионлаб одамлар ҳаёти учун фожиали оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақида ўйламаяптилар? Мутахассислар ушбу йирик иншоот қурилиши муҳандислик нуқтаи назаридан истиқболсиз эканини таъкидламоқда. Агар бу лойиҳа амалга оширила бошланса, ана шу жараённинг ўзиёқ нақадар оғир оқибатларга олиб келиши аёнку. Чунки уни тўлдириш учун саккиз йил керак бўлар экан-а. Бу даврда Амударёнинг қуйи қисмларида истиқомат қилиб келаётган аҳолининг яшаш шароити кескин ёмонлашиб, қишлоқ хўжалиги тармоқлари катта талафот кўради. Табиат биохилма-хиллиги бузилиб, минтақадаги экологик мувозанат изидан чиқади, чўл ҳудудлари кўпаяди. Лойиҳани амалга оширишга уринаётганлар нега бу ҳақда ўйламаяпти?

Ичимлик сувидан фойдаланиш имкони инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, сув тақчиллиги энергетик ва молиявий инқирозлардан кўра кўп бора хавфлироқ экани бугун барчага аён-ку. Давлатимизнинг бу борадаги сиёсати замирида ҳам ушбу глобал экологик ва ижтимоий-иқтисодий фалокатнинг олдини олишдек инсонпарвар мақсад мужассам. Зеро, сув ресурсларининг ялпи тақчиллигини, ҳалокатли техноген, экологик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши минтақамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини катта хавф остида қолдириши мумкин. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясида бутун Ўрта Осиё халқлари манфаатлари ўз ифодасини топгани аниқ ва равшан-ку. Буни халқаро экспертлар, мутахассислар эътироф этмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Роғун ГЭСи қурилиши борасидаги пухта ўйланган оқилона сиёсатини барча юртдошларимиз қатори қашқадарёликлар ҳам тўла қўллаб-қувватлайди. Бинобарин, бу сиёсат замирида нафақат бугунги фаровон ҳаётимиз, айни пайтда эртамиз, келгуси авлодларимиз тақдирини ўйлашдек эзгу мақсадлар мужассамдир. Зеро, оддийгина мантиқ, реал ҳақиқат, алалоқибат ақл-идрок ана шундай йўл тутишни тақозо этади.

**Ҳабибулла МАМАНОВ,**
**Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув ресурслари баланси ва гидрометрия сектори бош мутахассиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Спорт

# Сирдарёлик номи дунёга достон ўғлонлар



**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, хусусан, футболни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари томонидан ушбу эзгу мақсадга қаратилган ўнга яқин фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.**

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида футбол инфратузилмасини янада такомиллаштириш, болалар футболига эътиборни кучайтириш, профессионал футбол клублари қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, барча қулайликларга эга стадионлар қуриш, мавжудларини жаҳон талаблари даражасида таъмирлаш, футболни янада оммалаштириш каби долзарб вазифалар белгиланган. Буларнинг барчаси миллий футболимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

Юртимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси Янгиер шаҳридаги футболга ихтисослашган мактаб-интернат эришаётган натижаларда ҳам ўз аксини топаётир.

Дунёда спорт мусобақалари кўп. Аммо улар орасида футбол бўйича жаҳон чемпионатлари алоҳида нуфузга эга. Мексикада футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган 2011 йилги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтирди. Улар орасида терма жамоа ҳимоячиси Асилжон Мансуров ҳам, бундай нуфузли мусобақада биринчи бор қатнашаётганига қарамай, муносиб тўп сурди, ишончли ўйини билан минглаб мухлислар меҳрини қозонди.

Асилжонда футболга қизиқиш жуда эрта уйғонди. Ота-онаси, синфдошлари, ҳатто маҳалладошлари ҳам уни қаердан излашни яхши билишарди. У доим бўш вақтини Янгиер шаҳридаги футболга ихтисослашган мактаб-интернат стадионида тенгқурлари билан футбол ўйнаб ўтказарди. Уни зимдан кузатиб юрган ушбу мактаб-интернат директори Омон Қўлдошев Асилбекнинг отасига «Ўғлингизни бизга беринг. Унда футболга ўзгача қизиқиш, иштиёқ ва қобилият бор. Келгусида ундан машҳур футболчи чиқиши мумкин», — дейди.

Омон ака янглишмаган экан. Орадан йиллар ўтиб унинг башорати тўғри чиқди. Янгиер футбол мактабида таҳсил олган кўплаб тенгдошлари қатори Асилжон Мансуров ҳам устозларининг ишончини оқлади. Уларнинг бу ютуққа эришишида мазкур футбол мактабида болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитларнинг яратилгани муҳим омил бўлди. Мактаб ҳудудидаги катта ва кичик стадионлар, спорт ва машғулотлар заллари, ёпиқ ва очиқ сув ҳавзалари, ёш спортчилар ихтиёрида. 2009 йил мактаб-интернат мукаммал таъмирдан чиқарилди. Барча қулайликларга эга ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, спорт заллари бунёд этилди. Кимё, физика, информатика хоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Футболга ихтисослашган мактаб-интернатга болалар 11 ёшдан махсус тест синовлари асосида қабул қилинади. Бу ерда айни пайтда 230 нафар бола пухта билим олиш билан бирга футболнинг назарий ва амалий жиҳатларини пухта ўрганаётир. Турли йилларда мазкур мактабни битирган ёшларнинг 30 нафари бугунги кунда «Пахтакор», «Бунёдкор», «Металлург», «Насаф», «Машъал», «Нефтчи» каби мамлакатимиз олий лигаси жамоаларида тўп сурмоқда.

Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида кучли саккизликдан жой олган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг 5 нафар аъзоси — Асилжон Мансуров, Аббосбек Махсталиев, Жавлон Мирабдуллаев, Сардор Раҳмонов, Бобур Давлатов мазкур мактабда таҳсил олган.

— Узтозларимиз сабоғи муваффақиятларимиз гарови бўлди, — дейди Асилжон. — Жаҳон чемпионатида ўз она-юрти шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир футболчидан катта масъулият талаб этади. Жамоадош дўстларим билан чемпионатда имкон қадар яхши натижа қайд этишга аҳд қилган эдик. Дастлабки мағлубиятдан кейин ҳам ўз кучимизга ва ғалабага бўлган ишончни йўқотмадик. Биз, албатта ғалаба билан қайтамиз, деб интилдик. Ҳар дақиқа, ҳар он Президентимиз, устозларимиз, маҳалладошлар ва юртдошларимиз бизни қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилиб турдик.



— Ўғлимнинг ўсмирлар терма жамоаси таркибида жаҳон чемпионатида иштирок этгани қалбимизни чексиз ғурур-ифтихорга тўлдирди, — дейди Асилбекнинг отаси Ҳусан Мансуров. — У жамоа билан бирга билдирилган катта ишончни оқлаганидан яна ҳам фахрландик. Бу ютуқ Президентимизнинг фарзандларимизга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлик ва эътибори Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги обрўсини янада оширишга хизмат қилаётганидан ёрқин далолатдир.

Оиламиз, маҳалламиз билан биргаликда ҳар бир ўйинни катта ҳаяжон билан кузатиб бордик. Фарзандларимизнинг АҚШ, Чехия, Австралия каби жаҳон футболида катта мавқега эга бўлган донгдор терма жамоаларни мағлуб этгани юртимизда куч ва истеъдод бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган авлод вояга етаётганини намоён этди. Минглаб юртдошларимиз қалбига фахр-ифтихор солган муваффақиятда ўғлим Асилжоннинг ҳам ҳиссаси борлигидан беҳад бахтиёрман.

Табиийки, бундай юксак натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратилиши керак. Шу боис, мамлакатимизда дастлаб спорт инфратузилмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд спорт иншоотларига малакали мураббийлар жалб этилди. Бу ишлар ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлди. Ҳозир дунё миқёсидаги кўплаб мусобақаларда мустақил Ўзбекистонимиз спортчилари зафар қозонаётгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Президентимизнинг 2011 йил 11 июль куни қабул қилинган Фармойишига кўра, футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан мукофотланиши ва муносиб рағбатлантирилиши ёшларимизни янада юксак марралар сари руҳлантириши, шубҳасиз.

Табиатан камгап, оғир-босиқ, кўзлари чақнаб турган бу йигит тимсолида бундан-да юксак ғалабаларга интилаётган шижоатли, иродали спортчини кўрамиз. Футболимизнинг эртаси ютуқларга янада бой бўлишига, Асилбек каби Ватанга фидойи ёшлар Ўзбекистонимиз номини дунёга достон қилажагига амин бўламиз.

**Дилором ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Қирғизистон — Ўзбекистон — 0:3

**Осиё қитъасида «Бразилия — 2014» жаҳон чемпионатига ўтказилган иккинчи босқич саралаш ўйинларининг жавоб учрашувлари бўлди. Бишкекда мамлакатимиз миллий терма жамоаси қирғизистонлик футболчилар дарвозасига учта жавобсиз тўп киритиб, учинчи босқичга йўлланма олди.**



Тошкентдаги ўйинда 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган футболчиларимизнинг вазифаси бирмунча енгилроқ эди. Мезбонлар бундай йирик ҳисобда ютуққа эриша олишига ишонишмаса ҳам мухлислари қаршисида жон-жаҳдлари билан тўп суришни мақсад қилишганди. Балки шу боисдан биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда футболчиларимиз ҳужумга ўтди ва Виктор Карпенко ҳисобни очди. Бундан руҳланган футболчиларимиз яна иккита гол уришди. Иккала тўпни ҳам захирадан майдонга тушган Баҳодир Насимов киритди.

Қитъамизда ўтказилган бошқа жавоб учрашувлари натижалари билан танишинг: Лаос — **Хитой** 1:6 (биринчи учрашув — 2:7), Фаластин — **Таиланд** — 2:2 (0:1), Малайзия — **Сингапур** — 1:1 (3:5), **Индонезия** — Туркманистон — 4:3 (1:1), Бангладеш — **Ливан** — 2:0 (0:4), Мальдив ороллари — **Эрон** — 0:1 (0:4), Яман — **Ироқ** — 0:0 (0:2), Непал — **Иордания** — 1:1 (0:9), Тожикистон — **Сурия** — 0:4 (1:2), Ҳиндистон — **БАА** — 2:2 (0:3), Вьетнам — **Қатар** — 2:1 (0:3), Филиппин — **Қувайт** — 1:2 (0:3), Гонгконг — **Саудия Арабистони** — 0:5 (0:3). Мьянма — Уммон — 0:2 (ўйин 40-дақиқада тўхтатилди, биринчи учрашув — 0:2).

Япония, Жанубий Корея, Австралия, КХДР ва Баҳрайн терма жамоалари жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларини тўғридан-тўғри учинчи босқичдан бошлашади. Бугун Рио-де-Жанейрода қуръа ташлаш маросими бўлади. Мамлакатимиз терма жамоаси учинчи босқичда қайси гуруҳда жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашни давом эттиришини билиб оламиз.

**Абдувоси РАҲМОНОВ**

# Самарқанд «Шарқ тароналари»га қизғин тайёргарлик кўрмоқда

**Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки замин сайқали дея таърифланадиган Самарқанд азалдан турли халқлар маданиятлари уйғунлашган, ўзининг қадимий анъаналарига эга шаҳардир.**



Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобида ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур ўтказган мусиқий анжуманларда Шарқ халқларининг етук созанда ва хонандалари ҳам қатнашишган. Улар ижросидаги куй-қўшиқлар бой мусиқий меросни сақлаб қолишга, тарғиб этишга хизмат қилиши баробарида халқларни бирлаштирган, маънавиятини юксалтирган. Эндиликда бу маданий анъана Мустақиллик шарофати туфайли «Шарқ тароналари» фестивали руҳи ва ғоясида баланд пардаларда давом этмоқда.

Самарқандда «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивали олдидан маҳаллий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда фестиваль тарғибот-ташвиқот гуруҳи бошлиғи А.Жабборов, матбуот маркази раҳбари С.Остонов фестивалга тайёргарлик доирасида олиб борилаётган ишлар, фестивалнинг кун тартибига боғлиқ маълумотлар тўғрисида ахборот беришди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Матбуот марказида журналистлар самарали ишлашлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилаётгани, шу кунгача хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакилларидан 20 нафардан зиёд журналист фестивални ёритиш учун келиш истагини билдиргани, фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари телевидение орқали 100 дан зиёд мамлакатга узатилиши режалаштирилаётгани айтиб ўтилди. Фестиваль мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик катта байрами арафасида ўтаётгани боис уни ёритишга алоҳида аҳамият бериш кераклиги таъкидланди.

Йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида бу йил 60 дан ортиқ мамлакатдан ижодий гуруҳлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашиш истагини билдирган. Ҳозиргача 49 та давлат вакиллари фестивалда иштирок этишини тасдиқлашган.

25-30 август кунлари бўладиган нуфузли халқаро фестивалга қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**





Тадбир

## Қорақалпоқ давлат «Шуҳрат» музейи

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қарорига мувофиқ Нукусдаги музей юқоридаги ном билан аталадиган бўлди. Шу муносабат билан бу ерда илм-фан, маданият ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида анжуман ўтказилди.**

— Музей халқларимизнинг бетакрор моддий ва маънавий маданиятини, юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларини кўз-кўз этувчи жами 8500 дан зиёд экспонатлар билан бойитилди, — дейди **музей директори, ЎзХДП аъзоси Шинаргул Пахратдинова.** — Бундан ташқари, музей биноси бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди.

Дарҳақиқат, бугун музейда буюк ва шонли тарихимиз саҳифаларидан ташқари, мамлакатимизда илм-фан, санъат, спорт, қишлоқ хўжалиги, меъморчилик, ҳунармандчилик каби кўплаб соҳаларда қўлга киритилган жаҳоншумул ютуқлардан сўзловчи экспонатлар жой олган. Айниқса, «Мустақиллик — миллий ғуруримиз» деб аталадиган кўргазмада қорақалпоғистонлик истеъдодли ёшлар, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт ўйинлари ғолиблари фаолияти ҳақидаги қизиқарли маълумот-суратлар барчада чуқур таассурот қолдирмоқда.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ.**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 30-31.07. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 40°C | 39°C |
| Самарқанд | 37°C | 38°C |
| Нукус | 33°C | 38°C |
| Қарши | 39°C | 40°C |
| Урганч | 33°C | 38°C |
| Навоий | 39°C | 40°C |
| Фарғона | 35°C | 36°C |
| Бухоро | 39°C | 40°C |
| Андижон | 35°C | 36°C |
| Наманган | 35°C | 36°C |
| Термиз | 39°C | 41°C |
| Жиззах | 37°C | 40°C |
| Гулистон | 37°C | 40°C |
| Тошкент вил. | 37°C | 40°C |
| Лондон | 23°C | 19°C |
| Париж | 22°C | 29°C |
| Москва | 27°C | 29°C |
| Мадрид | 33°C | 28°C |
| Пекин | 32°C | 32°C |
| Гонгконг | 31°C | 29°C |
| Рим | 31°C | 31°C |
| Анқара | 32°C | 32°C |
| Токио | 33°C | 33°C |
| Стокгольм | 22°C | 20°C |
| Кейптаун | 17°C | 23°C |
| Қоҳира | 34°C | 35°C |
| Гавана | 32°C | 32°C |
| Вашингтон | 36°C | 35°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
11278 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5